"O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TASHQI IQTISODIY FAOLIYAT
MILLIY BANKI"
AKSIYADORLIK JAMIYATI
**MIRZO ULUG'BEK BANK
XIZMATLARI MARKAZI**

**MIRZO ULUGBEK CENTER
OF BANKING SERVICES**
OF JOINT-STOCK COMPANY
"NATIONAL BANK FORFOREIGN
ECONOMIC ACTIVITY
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN"

100000, Toshkent shahri, Mustaqillik shox ko'chasi, 66 uy
Tel: (78) 147-15-34, e-mail: mirzo-ulugbek_mail@nbu.uz

66, Mustakillik prospect, Tashkent city, 100000
Tel: (78) 147-15-34, e-mail: mirzo-ulugbek_mail@nbu.uz

"19" 06 2026 y.

№ 02/1-2609/1/15

**"O'zmilliybank" AJ
Toshkent shahar Bosh boshqarmasi
boshlig'i G.S.Abidovga**

"O'zmilliybank" AJ Mirzo Ulug'bek bank xizmatlari markazi, Sizning 06.06.2026 yildagi 01-423/09-sonli xatingizga asosan quyidagilarni ma'lum qiladi:

Korrupsiyani oldini olish va unga qarashi kurashish yo'nalishidagi belgilangan vazifalar ijrosi hamda Toshkent shahar Bosh boshqamasi boshlig'ining fuqarolar, Tadbirkorlar va bank hodimlariga "Murojaatnoma"sini yetkazish va boshqa belgilangan vazifalar bo'yicha 20.06.2026 yilga qadar ma'lumot yuborilishi so'ralgan.

Mirzo Ulug'bek bank xizmatlari markazi yuqoridagi ko'rsatilgan vazifalar asosida o'tkazilgan uchrashuv va o'quv seminarlari bo'yicha tashkil etilgan ishlar (*yig'ilish bayoni va fotosuratlar*) ilova qilingan holda yuborilmoqda.

**"O'zmilliybank" AJ
Mirzo Ulug'bek BXM
boshqaruvchisi v.b.** **E.N.Abdazov**

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”

“Ўзмиллийбанк” АЖ Мирзо Улуғбек БХМ бошқарувчиси в.б.

_____Э.Абдазов

“ 12 “ июнь 2026 йил

“Ўзмиллийбанк” АЖ Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Мирзо Улуғбек БХМда “Коррупцияга қарши курашиш йўналишида банк ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакиллантириш бўйича ҳуқуқий-тарғибод ва профилактика чора-тадбирлари тўғрисидаги йиғилиш

БАЁННОМАСИ

2026 йил “12“ **июнь** Тошкент шаҳар

_3_ - сонли Баённома

Раислик қилувчи: “Ўзмиллийбанк” АЖ Мирзо Улуғбек БХМ бошқарувчиси в.б. Э.Абдазов

Қатнашдилар: Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Хавфсизлик, режим ва ахборотни химоялаш бошқармаси бош мутахассиси Д.Абдурахманов, БХМ рахбарияти, бўлим бошлиқлари, шуъба мудирлари ва масъул мутахассис ходимлар.

К У Н Т А Р Т И Б И:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки АЖ да коррупцияни олдини олиш, ходимларда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш ва бу борада уларнинг малакасини ошириш.

Йиғилиш бошида “Ўзмиллийбанк” АЖ Мирзо Улуғбек БХМ бошқарувчиси в.б. Э.Абдазов тадбир қатнашчиларига кун тартибидаги масалалар билан таништирди хамда кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан сўз очиб, қуйидаги масалаларга тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2025 йил 5 мартда Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилишда, Давлатимиз раҳбари томонидан ислоҳотлар ҳал қилувчи босқичга кираётган ҳозирги вақтда юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича ишларга баҳо берилиб, қуйидагилар:

“Ислоҳотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов – бу коррупциядир. Буни дунё тажрибаси ҳам тўлиқ тасдиқлайди.

Коррупция шундай ёвуз иллатки, у халқнинг давлатга, Конституция ва қонунларга ишончига путур етказади, барқарор ривожланиш ва хавфсизлик учун жиддий таҳдидга айланади", деб алоҳида қайд қилинган.

"Ўзмиллийбанк" АЖ ва унинг таркибий тузилмаларида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар долзарблиги ва бу борада ходимларнинг жавобгарлиги, шахсий позицияси муҳимлиги ҳақида айтиб, Қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда "Ўзмиллийбанк" АЖ раиси томонидан қўйилган вазифалар ва талаблар йиғилиш қатнашчиларига етказилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида бу каби иллатга қарши кураш ва уни олдини олишга қаратилган комплекс тадбирлар олиб борилаётганлиги, бу давлат ички сиёсатининг узвий бир бўлаги эканлиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, тадбирда Тошкент шаҳар Бош бошқармаси маъсул ходимлари томонидан хозирги кунда олиб борилаётган тарғибот – ташвиқот ишларининг мухимлигига алохида тўхталиб ўтилди, мамлакатимизда коррупцион хуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши кураш учун алоҳида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил қилинганлиги, унинг раҳбари бошчилигида хамда Марказий банк томонидан кенг қамровли тадбирлар амалга оширилаётганлиги айтиб ўтилди.

"Ўзмиллийбанк" АЖ Тошкент шаҳар Бош бошқармаси худудий БХМ ва БХОларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш юзасидан бир қатор тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётганлиги, бу борада банкнинг Хавфсизлик, режим ва ахборотни ҳимоялаш бўлими, Ходимлар билан ишлаш ва Юридик бўлим ходимлари олдинги ўринларда бўлишлари зарурлиги таъкидланди, шунингдек, коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакиллантириш чораларини кўриш мухим вазифалардан бири эканлиги таъкидланди.

"Ўзмиллийбанк" АЖнинг ички буйруқ ва талабномаларида Банкнинг барча таркибий тузилмаларига қўйилган вазифалар тингловчилар эътиборига етказилди.

Коррупцияга қарши курашишга қаратилган мақсадларни самарали амалга ошириш учун асосий эътиборни, банк Раҳбарияти томонидан фаолиятимизда мавжуд хато-камчиликларни бартараф этиш йўлида олиб борилаётган сайъи-ҳаракатлар замирида ходимларнинг сиёсий онгини юксалтириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда коррупциявий ҳаракатларга қарши иммунитетни шакллантиришга қаратиш кераклиги таъкидланди.

Ички буйруқ ва низомларни бузиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган, ходимларнинг бу борадаги билим ва савия даражасини янада кўтариш йўналишидаги амалий харакатларни узулуксиз давом эттиришга эришиш тавсия этилди.

Шу борада булим бошлиқлари ва шўъба мудирларининг роли катталигига эътибор қаратилди. Жамоада вужудга келиши мумкин бўлган хар қандай хуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни профилактика қилишга қаратилган таклифларни ўз вақтида Рахбариятга хабар бериб туришлари талаб қилинади.

Ходимлар орасида коррупциявий ва иқтисодий жиноятларни олдини олишда бирдан бир чора – "Ўзмиллийбанк" АЖ бошқаруви томонидан берилаётган топшириқларни ўз вақтида сифатли бажариш, ҳар бир йўналиш бўйича чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тўлиқ риоя қилиниши лозимлиги билан боғлиқ эканлигини йиғилиш қатнашчиларига айтиб ўтилди.

Банк соҳасида мавжуд ва содир этилган қонунбузарликлар мисолида барча иштирокчиларини огоҳликка, ўз вазифасини виждонан ва сидқидилдан бажаришга чақирилди.

Тадбир сўнггида ходимлар огоҳликка чақирилиб, уларининг ўз хизмат вазифаларига виждонан ёндашишлари зарурлиги, ҳар бир мижоз билан мулоқатда ахлоқ-одоб доирасидан четга чиқмаган ҳолда, банк Стандарт қоидаларига тўлиқ риоя қилиб хизмат олиб боришлари зарурлиги, хизматлар сифати мижозлар жалб қилишнинг ягона йўли эканлиги, ҳозирги кунда "Ўзмиллийбанк" АЖ Тошкент шаҳар Бош бошқармаси юқори кўрсатгичларга эришиши

заминида шу жамоанинг ҳатта меҳнати турганлигини, ходимларнинг жипслиги, кўп йиллардан бери банк соҳасида хизмат қилиб келаётган тажрибали ходимлар ёш ходимларга устоз-шогирд ананаларига амал қилган ҳолда тўғри йўл кўрсатишларидир.

Ходимлар ўртасида олиб борилаётган коррупцияга қарши тарғибот-ташвиқот тадбирлар таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида Прокуратура, Ички ишлар Бошқармаси ва Адлия Бошқармаси мутахассисларининг иштирокини таъминлаш шу билан биргаликда ҳуқуқбузарликни содир қилган ходимларга нисбатан жазо муқаррарлиги ҳамда ўз вазифаларини сидқидилдан бажараётганларларга раҳбарият томонидан рағбатлантириш кўзда тутилганлиги тўғрисида таъкидлаб ўтилди.

Мажлис якунига кўра қуйидаги вазифалар белгиланди

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

- "Ўзмиллийбанк" АЖ Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Мирзо Улуғбек БХМда коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда раҳбарларнинг масъуллиги эътиборга олинсин хамда ушбу йўналишда профилактик тадбирлар ўтказилиши белгилансин.
- Банк жамоасида соғлом муҳитни сақлаш, ходимлар ўртасида коррупциянинг ҳар қандай кўринишига муросасизликни шакллантириш чоралари кўрилсин.
- Банк жамоаси ва банк ҳудудларига доир вазиятни ўрганишни кучайтириш, бу йўналишда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ишлаш таъминлансин;
- Бўлим бошлиқлари ва шўъба мудирлари ушбу йўналишда қўл остидаги ходимлари учун шахсий ўрнак бўлишлари шартлиги доимо уқтирилсин.
- Бўлим бошлиқлари ва шўъба мудирлари томонидан ўз ходимларининг хизмат мажбуриятларини қандай бажараётганини мунтазам назорат қилиб бориш ҳамда ходимларнинг хизмат вазифаларига оид бўлмаган ишлар билан шуғулланишига йўл қўйилмайслик бўйича масъул ходимлар томонидан назорат ўрнатилсин. Шунингдек ҳар қандай ноқонуний фаолият турлари билан шуғулланишнинг ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида тушунтиришлар берилсин.
- ўз ходимларнинг хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа турдаги ҳар қандай фаолият турлари билан шуғулланмасликлари тўғрисида суҳбатлар ўтказилсин. Жумладан, ходимнинг ўз хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа турдаги ҳар қандай ноқонуний фаолият турлари билан шуғулланишнинг ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида тушунтиришлар берган ҳолда, ҳар бир ходимдан тилхат олинсин;
- Ушбу йиғилиш баёни билан берилган топшириқлар ижроси юзасидан назорат БХМ биринчи ўринбосари Ж.Арипов ва БХМ ўринбосари М.Миртожиев ҳамда Хавфсизлик, режим ва ахборотни ҳимоялаш бошқармаси бош мутахассиси Д.Абдурахманов, Ходимлар билан ишлаш бошқармаси бош мутахассиси Л.Шарипова зиммаларига юклатилсин.

Йиғилиш котиби **Л.Шарипова**

Қатнашганлар:

1	Аripов Н. Е.	
2	Мирзожиев М. Ф.	
3	Абдурахмонов Ж	
4	Раимов О.Н.	
5	Бауржанов И.Р	
6	Сатиердиев Ш. М.	
7	Расулов С. А.	
8	Турдиев А. Н	
9	Нурматов Т. Б.	
10	Шарипова Д. В	
11	Раимова М Р	
12	Урмонова У М	
13	Отажанов С. С.	
14	Нафриддинов Ю. С.	
15	Кадиров О.	
16	Soida'zamov Z.	

“TASDIQLAYMAN”
“O‘zmilliybank” AJ
Mirzo Ulug‘bek Bank xizmatlari markazi rahbari

E.N.Abdazov

“O‘zmilliybank” AJ Mirzo Ulug‘bek Bank xizmatlari markazi xodimlari, fuqarolar va tadbirkorlar ishtirokida o‘tkazilgan
4-sonli yig‘ilish
BAYONI

19-iyun 2026-yil **Mirzo Ulug'bek tumani**

Raislik qiluvchi:

E.N.Abdazov- "O'zmilliylbank" AJ Mirzo Ulug'bek bank xizmatlari markazi rahbari v.b.

Ishtirok etuvchilar:

U.P.Sayfullayev-"O'zmilliylbank" AJ Mirzo Ulug'bek bank xizmatlari markazi bosh hisobchisi v.v.b., mas’ul xodimlari, kelgan fuqarolar hamda xizmat ko‘rsatilayotgan tadbirkorlik subyektlari (tadbirkorlar) vakillari.

KUN TARTIBI:

“O‘zmilliybank” AJ Toshkent shahar Bosh boshqarmasi boshlig‘ining fuqarolar, tadbirkorlar va bank xodimlariga yo‘llangan antikorrupsion “Murojaatnoma”sini o‘qib eshittirish hamda mazmun-mohiyatini barchaga yetkazish.

(E.N.Abdazov. U.P.Sayfullayev)

Kun tartibidagi masala yuzasidan Mirzo Ulug‘bek BXM rahbari **E.N.Abdazov** so‘zga chiqdi. Bosh boshqarma boshlig‘i **G.S.Abidov** tomonidan imzolangan “Murojaatnoma” matnini yig‘ilish ishtirokchilariga — fuqarolar, tadbirkorlar va bank xodimlariga to‘liq o‘qib eshittirildi.

Mirzo Ulug'bek BXM rahbari **E.N.Abdazov** bank tizimida korrupsiyaga qarshi kurashish, ochiqlik va shaffoflik muhitini ta'minlash har bir xodim va mijozning burchi ekanligini, qonun buzilishi holatlariga duch kelganda maxsus ishonch telefonlariga (78 148-00-89) zudlik bilan xabar berish lozimligini alohida tushuntirib o'tdi.

Yig'ilish davomida korrupsiyaga nisbatan murosasiz munosabatda bo'lish masalalari barcha yig'ilgan fuqarolarga, tadbirkorlarga va xodimlarga atroflicha yetkazildi.

Kun tartibidagi masala yuzasidan yig'ilish tugagach, ishtirokchilarining fikr va xulosalari inobatga olingan holda:

QAROR QILADI:

1. "O'zmilliybank" AJ Toshkent shahar Bosh boshqarmasi boshlig'ining antikorrupsion "Murojaatnoma" si Mirzo Ulug'bek BXM xodimlari, fuqarolar hamda tadbirkorlarga to'liq o'qib eshittirilganligi va tushuntirish ishlari orqali hammaga yetkazilganligi qayd etilsin (ijrosi ta'minlangan deb hisoblansin).

2. Mazkur Murojaatnoma mazmuni barcha bank xodimlari, tashrif buyurgan fuqarolar va tadbirkorlar tomonidan birdek qabul qilinib, faoliyatda halollik va shaffoflik prinsiplariga qat'iy amal qilinishi belgilab qo'yilsin.

3. Ushbu qaror ijrosini nazorat qilish Mirzo Ulug'bek BXM bosh hisobchisi v.v.b. **U.P.Sayfullayev** zimmasiga yuklatilsin.

Bayyonlashtiruvchi **U.P.Sayfullayev**

“Ўзмиллийбанк” АЖ Мирзо Улуғбек БХМда коррупция холатларини аниқлаш мақсадида ўтказилган аноним сўровнома натижалари тўғрисида

МАЪЛУМОТНОМА

Жорий йил 18-19 июнь кунлари “Ўзмиллийбанк” АЖ Мирзо Улуғбек БХМ томонидан банк истеъмолчилари, тадбиркорлар хамда кенг жамоатчилик ўртасида банк тизимида коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни тахлил килиш мақсадида аноним сўровнома ўтказилди.

Сўровномада жами 27 нафар банк мижозлари иштирок этди. Респондентларнинг 29,6 фоизини давлат ташкилотлари ва идоралари ходимлари, 25,9 фоиз тадбиркорлик ва бошқа турдаги фаолият субъектлари, 11,1 фоиз банк-молия сохаси вакиллари, 18,5 фоиз ўқувчи ва талабалар, 14,8 фоиз вақтинча ишсизларни ташкил этди.

Респондентларнинг асосий қисми 26 нафар (96,2 фоиз) банк хизматларини кўрсатишда очиқлик ва шаффофлик тамойилларига амал қилинаётганлигини билдиришган.

Банк хизматларини рақамлаштириш борасида 20 нафар (74,1 фоиз) респондентлар томонидан "Яхши" бахо берилган бўлса, 5 нафар (18,5 фоиз) "Қониқарли" ва 2 нафар (7,4 фоиз) "Қониқарсиз" бахоланган.

Банк хизматларидан фойдаланишда 1 нафар (3,7 фоиз) иштирокчилар ортиқча бюрократик тўсиқлар мавжудлигини билдиришган.

Сўровномада иштирок этган фуқароларнинг 27 нафари (96,2 фоиз) банкларда ишга қабул қилиш жараёнининг шаффофлигини "Ижобий" бахолаган булса, 1 нафари (3,7 фоиз) банкларга ишга қабул килиш жараёнида коррупция билан боғлиқ холатларга дуч келганликларини билдиришган.

Банк тизимида коррупция холатлари содир этилишининг асосий сабаблари сифатида 11 нафар (40,7 фоиз) фуқаро банк ходимлари иш хақи миқдорининг пастлиги, 12 нафар (44,4 фоиз) фуқароларнинг молиявий саводхонлиги етарли эмаслиги, 4 нафар (14,8 фоиз) банк ходимларининг хатти-харакатлари устидан етарлича назорат ўрнатилмаганлиги билан изохлаган.

Банкларнинг коррупция хақида хабар беришга мўлжалланган махсус алоқа каналлари мавжудлиги тўғрисида 25 нафари (92,5 фоиз) респондентлар маълумотга эга эканликларини билдиришган.

Банк ходимлари томонидан коррупцион харакатлар содир этилишига дуч келган тақдирда респондентларнинг 4 нафари (14,8 фоиз) Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва хуқуқни мухофаза қилувчи органларга, 18 нафари (66,6 фоиз) Марказий банкка ва 5 нафари (18,5 фоиз) ижтимоий тармоқлар орқали коррупция хақида хабар беришини маълум килишган.

Банк тизимида коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини ошириш бўйича 7 нафар (25,9 фоиз) фуқаро қуйи бўғиндаги банк ходимларининг ойлик иш хақларини ошириш, 20 нафар (74,1 фоиз) электрон банк хизматлари кўламини кенгайтириш, 0 нафар (0 фоиз) коррупцияга қарши тарғибот ва ташвиқот, 0 нафар (0 фоиз) респондентлар банк ходимларининг

хатти-харакатлари устидан назоратни кучайтириш таклифларини билдиришган.

Банк ходимлари томонидан коррупциявий хатти-харакатлар содир этилишига Дуч келганлиги тўғрисидаги саволга 27 нафар (100 фоиз) респондент "йўқ", 0 нафари (0 фоиз) эса "Ха" деб жавоб берган булиб, шундан 0 нафари банкларнинг кредит махсулотларидан фойдаланишда, 0 фоизи банк карталари билан боғлиқ амалиётларда билан боғлиқ жараёнларда дуч келганлигини маълум килишган. Респондентларининг 0 нафари (0 фоиз) банк хизматларидан фойдаланишда бошка холатларда "таниш-билишчилик" дан фойдаланганликларини билдиришган.

Сўровнома иштирокчилардан 0 нафар (0 фоиз) кредит махсулотларидан фойдаланишда, 0 нафар (0 фоиз) банкларга ишга қабул қилиш жараёнида, 0 нафари эса бошқа фаолият йўналишларида манфаатлар тўқнашуви холатларига учраганлигини билдиришган.

Респондентларнинг 27 нафар (100 фоиз) фуқаро банк ходимларининг коррупция ва манфаатлар тўқнашуви бўйича қонунчилик талабларидан хабардорлик даражасини хамда 26 нафари (96,2 фоиз) Банк хизматларидан фойдаланишда банк ходимларнинг муомала маданиятини "Ижобий" бахолаган.

Сўровномада 18 нафар (66,6 фоиз) 35-60 ёшгача, 9 нафар (33.3 фоиз) 18-35 ёшгача бўлган фуқаролар қатнашган.

“Ўзмиллийбанк” АЖ
Мирзо Улуғбек БХМ
бошқарувчиси в.б. **Э.Абдазов**

“O‘zmilliybank”AJ
Mirzo Ulug‘bek BXM
boshqaruvchisi v.b.
_____E.N.Abdazov

18 iyun 2026 yil

Ishsiz fuqarolar va ishsiz yoshlar uchun «Huquqlarim nima» mazusida o‘tkazilgan seminar va treninglar yakunlari to‘g‘risida

Malumki, bugungi kunda yoshlarning huquqiy savodxonligini oshirish va ularni ijtimoiy-iqtisodiy qo‘llab-quvvatlash davlat siyosatining eng muhim yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. Shu maqsadda, ishsiz yoshlarning jamiyatda o‘z o‘rinlarini topishlari hamda ishsiz fuqarolar va ishsiz yoshlar mehnat bozorida o‘z huquqlarini himoya qila olishlarini ta’minlash uchun **«Huquqlarim nima»** mavzusida amaliy treninglar tashkil etildi va muvaffaqiyatli yakunlandi.

O‘tkazilgan treninglar davomida quyidagi asosiy yo‘nalishlarga alohida e’tibor qaratildi:

- **Mehnat huquqi asoslari:** Yoshlarga ishga joylashish, mehnat shartnomasini tuzish, ish vaqti va dam olish huquqlari tushuntirildi. Noqonuniy mehnat va uning salbiy oqibatlari haqida tushuncha berildi.
- **Tadbirkorlik va o‘z-o‘zini band qilish:** Davlat tomonidan tadbirkorlik boshlamoqchi bo‘lgan ishsiz fuqarolar va ishsiz yoshlarga beriladigan imtiyozlar, subsidiyalar va imtiyozli kreditlar olish tartiblari o‘rgatildi.
- **Ijtimoiy himoya kafolatlari:** Ishsizlik nafaqasi, qayta tayyorlash kurslarida bepul o‘qish imkoniyatlari hamda «Yoshlar daftari» orqali beriladigan yordamlar bo‘yicha huquqiy tushunchalar berildi.
- **Intellektual va shaxsiy huquqlar:** Yoshlarning kundalik hayotda duch keladigan huquqiy muammolarini mustaqil hal etish va davlat idoralariga murojaat qilish madaniyati shakllantirildi.

Ishtirokchilar o‘zlarini qiziqtirgan barcha savollarga mutaxassislardan to‘g‘ridan-to‘g‘ri javob oldilar. Mazkur loyiha ishsiz yoshlarning nafaqat huquqiy bilmini oshirdi, balki ularda o‘z kuchiga bo‘lgan ishonchni ham mustahkamladi.

Kelgusida ushbu yo‘nalishdagi tadbirlarni yanada kengaytirish va ko‘proq yoshlarni qamrab olish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

Murojaatnomaga trening jarayonidan olingan fotolavhalar ilova qilinadi.

“O‘zmilliybank” AJ Mirzo Ulug‘bek BXM
“Kelajakka qadam” markazi
loyiha menejeri **A.Gulboyev**

ILOVA: FOTOLAVHALAR

1-Foto surat *Treningning ochilish marosimi va ishtirokchilarni ro'yxatga olish jarayoni.*

2-Foto surat *Ishtirokchilarning guruhlarda amaliy topshiriqlarni bajarish jarayoni.*

3-Foto surat *Trening yakunida yoshlarga mehnat huquqi bo'yicha tushunchalar berilishi.*